

ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛКА БЎЙЛАБ ТАРҚАЛИШИДАГИ РОЛИ.

Элова Дилноза Давлатовна
БухДУ катта ўқитувчиси п.ф.ф.д.(PhD)

1 Sho'ba: *Ўзбекистон ҳудудида кўп миллатли миллий таркибнинг вужудга келиши тарихи ва унинг муҳим жиҳатлари.*

Резюме. Мазкур мақолада Туркистон тараққийпарларининг ўлкада янги техника ва технологиялар тарқалишидаги фаолияти масалалари манба ҳамда адабиётлар таҳлили орқали очиб берилган.

Таянч атамалар: Тараққийпарвар, жадид, зиёли, тижорат, техника, технология, матбуот, маҳаллий бойлар, зироат, саноат, босмахона, маиший техникалар, ташвиқот, илм-фан.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда илғор фикрли сармоядорлар, тижоратчи ва зиёлилар ўз ҳатти- ҳаракатларида, қарашларида ўлкада қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва саноатни юксалтириш тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар қишлоқ хўжалиги, савдо, ҳунармандчилик, саноатнинг фабрика-завод ишлаб чиқариши ва банк тизимини тўғри йўлга қўйиш тараққиётнинг муҳим кафолати деб ҳисобладилар. Жадидлар Туркистоннинг ер ва ер ости бойликлари чет эл компаниялари ёхуд Россия имперамистлари қўлид эканлиги, жамиятдаги барча табақа ва тоифалар миллатнинг равнақи учун бирлашишлари, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш зарурлигини ўз матбуот органларида, кундалик ташвиқот ва тарғиботларида илгари сурдилар. Деҳқончиликни эски меҳнат қуроллари билан ишлаб, ерни минерал ўғитларсиз муомалага киритаётганлар, тўй ва таъзия маросимларини дабдабали ўтказиб ўз ерларини қарз евазига арзон нархларда яхудий, арман тадбиркорларга сотаётган деҳқонлар келажакни кўрмаётганлиги танқид остига олинди. Туркистон ўлкаси тупроғининг ҳар бир қаричи олтинга тенг эканлиги, Франция ва Японияда замонавий техника ёрдамида тошлоқ, унумсиз тупроқли ерлардан зироатчилар мўл-кўл ҳосил олаётганлиги Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) мақолаларида бир неча бор баён этилган. “Қримда 1 таноб ер нархи 10 минг сўмдан 30 минг сўмгача бўлган бир пайтда, ўзбек ва тожиклар қарзлари евазига 1 таноб ерларини 200 сўмдан сув текинга сотганлар. Агар шу ҳолат давом этаверса, унумдор ер фондлари ажнабийлар қўлига ўтиб халқимиз қашшоқ ва гадо бўлиб қолади” – деб ёзганди, Маҳмудхўжа Бехбудий.¹

Ур ва унинг кадр қиммати ҳақида А.Зиёбоев, А.Музаффаров кабилар ҳам ўз мақолаларида² фикр мулоҳаза билдиришган: “Ер ва тупроқ сотган бола-чақа ва наслини сотган билан баробардир” – деган ғояни улар илгари сурганди.

М.Бехбудий “Бизни ҳоллар ва ишлар”, “Зўраки бой”, “Оқ бонкалар бизни барбод этди”, “Эҳтиёжли миллат”, “Миллатлар қандай тараққий этарлар” каби ўнлаб мақолаларида замонавий техника ва технологияларни ҳаётимизга олиб кирмас эмасмиз, бутун саноат ва қишлоқ хўжалиги (зироат ва тақийёт) келгиндилар қўлига унишида давом этаверади, деб ҳисоблади.³ XX аср бошларида саноат ишлаб чиқаришда хориж фирмаларининг роли катта эди.

1912 йил ҳолатида Фарғонадаги 157 та пахта тозалаш заводидан 50 таси Самарқанддаги 37 тадан 10 таси Тошкент шаҳридаги 15 тадан 12 таси, Сирдарё вилоятида эса 42 тадан 12 таси шундай ҳам чет эл фирмалари қўлида бўлиб, 1914 йилда фаолият юритган ўлкадаги 425 корхонанинг 3¹¹ қисми хориж фирма ва компаниялари ихтиёрида бўлган. Улар ўлкадан катта миқдорда даромад олиб бойликларни ташиб кетган. Тараққий парварларнинг аксарияти хориж бўйлаб саёҳатларда бўлишди.⁴

Улар Шарқ ва Ғарб дунёсидаги туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг жонли гувоҳлари эдилар.

Абдурауф Фитрат (1886-1938) ва мунаввар Қори Абдурашид Ханов (1878-1931) ўзларининг асар ҳамда мақолаларида Туркистонда деҳқончилик маданиятининг пастлигига асосий сабаб, замонавий техникани ўргатадиган ҳунар мактаблари мавжуд эмаслиги, оз сонли техника билим юртларида маҳаллий миллатлар орасидан ўқувчилар 5-10 фоизни ташкил этганлигида деб қарадилар. Деҳқонларнинг ўзларида ҳам янги техникаларни жорий этилишига рағбат йўқлиги А.Фитрат томонидан танқид остига олинади.

“Деҳқончилик асбоблари ва экин-текин усуллари ҳали ҳам Ҳазрат Одам Ато деҳқончилигидан фарқ қилмайди. Масалан Оврўпада йирик шаҳарларда деҳқончилик мактаблари” очганлар... Бу ерликнинг (Туркистон) деҳқонлари эса, “деҳқончилик мактаби” деган тушунчани тушларида ҳам кўрмаганлар... Оврўпа деҳқонлари ерни шудгорлаш учун машиналарга подирлар (плуг, дизеллик тракторлар - дисс). Бу машиналар бир кунда бир неча таноб ерни ҳайдаш қудратига эга. Бухоро деҳқонлари эса энг аввало иккита хўкизни анча қиммат нархда сотиб оладилар, кейин йил бўйи ем учун ўн тангадан сарфлаб, 1 таноб ерни машаққат билан кунлаб шудгор қиладилар. Фарангистон деҳқонлари буғдой янчиш учун алоҳида машина ясаб олишган. Бухоро деҳқонлари эса, бу ишни бажариш учун бир неча хўкиз, эшакка мухтождирлар” – деб ёзганди А.Фитрат.⁵ Бу ўринда А.Фитрат ривожланган мамлакатларда деҳқонлар экинни экиш, парваришлаш, йиғиштириш каби меҳнат босқичларини машина ва турли техникалар билан бажарган ҳолда, Бухоро Бутун Туркистонда зироатчилик асосан кўп меҳнати ва ишчи ҳайвонлар (от, хўкиз, эшак) билан бажарилиётганлигини қайд қилади.

Шунингдек, маҳаллий деҳқонлар ҳосил етиштириш ва йиғиштиришга кўп вақт сарфлаётганлиги, меҳнат унумдорлиги ўта пастлиги ҳосилдорлик ҳам куйи даражадалиги кабилар кўп жиҳатдан техникага боғлиқлиги ватандошимиз томонидан уқтириб ўтилган.

² Зиёбоев А. Тупроғимиз олтиндур // Садон Туркистон, 1914 йил 4 апрел, Музаффарзода А. Тупроқ надур // Садон Туркистон 1914 йил 13 июнь.

³

Маҳмудхўжа Бехбудий миллат фидойиси ва маърифатпарвар (илмий мақолалар тўплами) Бухоро: “Дурдона”,

⁴

ЎМА. U-1-фонд, 36-рўйхат, 243 йиғма жилд, 103-варақ, 103-варақнинг орқа томони.

⁵

Фитрат, Абдурауф. Ҳинд сайёҳи баёноти // Танланган асарлар, Жилд I. – Т.: Маънавият; 2000. – БМИ

А.Фитрат замонавий техника ва технология асосида қурилган хўжаликни малакали техник ходимлар тайёрлаш билан бирга янги техникаларни интенсив жорий этишни тавсия қилган. Абдурауф Фитрат хориждаги техник кашфиётлар ушбу давлатларнинг иқтисодий сарбастлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек дунё саноати ва зироатида етакчилик қилиб кўпроқ фойда олишга қаратилганлигини асослайди. “Оврўпаликлар машина ва кемаларни ҳавою – ҳаваслар учун эмас, балки ўзларидаги саноат ва маҳсулотларни атрофга чиқариб сотиб, пул қилиб, шу йўсинда хазиналарини бойитиш учун қиладилар”⁶ – деб ёзади, А.Фитрат. А.Фитрат деҳқончилик соҳасидаги ютуқларни кўпроқ Европадаги Франция ва Шарқдаги Япония мисолида намуна қилиб кўрсатар экан, бу борада ҳукумат қонунчилик ва турли кўнгилли уюшмаларнинг бирликдаги фаолияти кутилган натижани беришига эътиборини қаратади. Мустамлака шароитида техника янгиликлари маҳаллий миллат равнақиға эмас, балки келгиндилар манфаатиға бўйсундирилиши унинг томонидан асосланган.

А.Фитрат ёзганидек: “Оврўпа мамлакатлари ва Японияда уларнинг ҳукуматлари зироатнинг фойдалари қайдаражада бўлишини билганликларидан, уларнинг ҳукуматлари зироатни ривожлантириш ва тараққий эттириш йўлида турли қонун ва низомлар ишлаб чиққанлар, хайротомуз машиналар яратиб зироатчиликдан таҳсил берадиган машинкалар очганлар.. бу давлатларда бу соҳанинг ривож ва такомили учун мактаблар таъсис қилиниб, улар доим фидокорлик билан ҳаракат қилиб келадилар”.⁷

XX аср бошларида яшаган илғор фикрли зиёлилар Россия ҳам Европа ва Америка даражасида техника ва технологиялар яратишда юксаклик босқичиға кўтарилмаганлиги, бироқ барча техник янгиликлар мустамлака шароитида ушбу давлат орқали кириб келаётганлигини идрок эта олганлар. Шу сабабли Мунавварқори: “Европа ва Америка халқлари осмонда парвоз этмоқда, сувда сузмоқда, ер юзидаги барча халқлар билан муносабатлар ўрнатган алоқалар туфайли ягона маданий технологияға эришди” – деб қайд қилади.⁸

Тараққийпарварлар жаҳонда кечган техник ўзгаришлар, янгилик ва кашфиётларни синчковлик билан кузатиб борганлар. Улар ўз даврий матбуотлари саҳифаларида дунё техникаси ва технологияси ҳақида маълумотлар берганлари маълум бўлади. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1914 йил “Ойна” журналининг 28-сонида босилган “Тарихи ихтирои башар”номли мақоласида: “Оврўпада баъзи машиналар чиқарилибдур.

Ал-он Амризода оташ (олов) ила ҳаракат қилатирғон машиналар ила ер ҳайдаб (трактор) зироат қиладурлар, 200 от қувватиға баробар деҳқонлик оташ (буғдвигатели билан ишлайдиган техникалар) мошиналари чиқаратурғондурлар... Амриқоли Қўлтун (Фултон) номлиқ киши чарх (пороход) ни ислоҳ этиб, Порисдасан шаҳрида (Париж, Франциянинг Сенжермен шаҳри) тажриба қилиниб, парахўдлар ишламоққа кириб, энди ер юзинда неча юз кишилар ила оташ кемалар (буғ кучи билан ишлайдиган кемалар) ўн минг киши сиғатурғон катта кемалар ичида босмахона, театрхона ва корхона мактабликлари бўлуб, сув устинда кичик бир шаҳар ҳикматидаур”⁹ – каби фикрларни ёзганди.

6

⁷Фитрат Абдурауф Номҳои (Раҳбари нажот). – Т.: Шарқ, 2001. –Б.138.

8

Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально – экономических процессов в начале XX века. – Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент -2008. – С.18
Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тарихи ихтирои башар // Ойна, 1914 йил, 28-сон. –Б.531;534.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Гинзбург А.И. Русское население в Туркистане. – М, 1991. Гинзбург А.И. Русское население в Средней Азии // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – М, 1992. –С.2. – С.49-57.
- Ашидов О.Р. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Т.: “Muharrir nashriyoti, 2021. – 196 бет.
- Амолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) – Т.: Muharrir nashriyoti, 2020. – 168 бет.
- Амолова Д.М. Амир Олимхоннинг Бухоро амирлигидаги ислохот фармонлари // O‘ZBEKISTON TARJIXI. Тошкент, 2017. - №2. –Б. 66.
- Амолова Д.М. Амир Олимхоннинг Бухоро амирлигидаги ислохот фармонлари // O‘ZBEKISTON TARJIXI. Тошкент, 2017. - №2. –Б. 60-69.
- Ҳмадов А.А; Ахмадов С.А. Туркистонда XIX аср охири XX аср бошларида техника илмий-амалий тадқиқотлар мавзусидаги конференция материаллари. (2020 йил. - №15, 30 апрель) Т.: 2020. –Б.95-96.
7. Турсунов Р.Н. Воззрения национальных прогрессистов на социально – экономических процессов в начале XX века. – Автореф. дисс.... канд. ист. наук. – Ташкент -2008. – С.18
8. Махмудхўжа Бехбудий. Тарихи ихтирои башар // Ойна, 1914 йил, 28-сон. –Б.531;534.